

Москва, Кремль.
1976 г. изд. 26. март

КПСС XXV СЪЕЗДИ: НАЗАРИЯНИНГ ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

пери ртасида «Бирон дакини» бўлса-да иш вақтини бекокетказмайлик» деган шиор ортида мусобақа авж олдириб юборилмоқда.

Н. ГЛАДКОВ.
[«Правда» мухбири].
Узбекистон ССР.

[«ПРАВДА»нинг 28 март сандидан].

Саодат

ОЛТИН ТҮЙ МУБОРАК!

ОЙДИН ЙҮЛ

Ўзбекистон хотин-қизларининг сеvimли журнали «Саодат» эл-дин бешта тўлди. Кўпгина бундай саналарни киши умрига қис қилиб камолот ёши, киши умрининг етуқ, серхосил даври дейишди.

Камолот ёши... Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон хотин-қизларидан 109 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 27 киши СССР Олий Советининг, 164 киши Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты... 55465 аёл СССР орден ва медаллари билан мунофотланган, 100 га яқин фан доктори, 2440 фан кандидати, 33 минг қаҳрамон она!

«Суюкли опа-сингилларим! Билсангизки, ҳар бир элнинг юксалиши ўшал элнинг саводли бўлишига ва ҳар бир киши билинига боғлиқдир. Шундай бўлганда сўнг, бизнинг хотин-қизларимизга матбуот деган нарса керакдир. Матбуот — яъни босма сўз бизнинг фикримизни оқидиган ва чирик эътиқодлардан инъилишни тозаллаб бизга тўғри йўлни кўрсатадиган ва бизга дунёдан маълумотлар бериб туришга воситачилик этадиган бир қуролидир... «Йилги йўл»га қўллашиб ёрдамга келинг! Узоқ вақтлар ухлаган Шарқ, айниқса ўзбек хотин-қизлари уйғонинг!»

Ушбу мурожаат — бизнинг илк одиллигимиз, хотин-қиз матбуотининг дебочаси «Йилги йўл» деворий газетасида босилган эди. «Узоқ вақт ухлаган» хотин-қизларини уйғотиш, уларни саводдон, билимдон киши учун жанговар минбар керак эди. 1925 йили ВКП(б) Марказий Комитетининг 3-та Осиё бюроси кўрсатмасига биноан ташкил этилган «Йилги йўл» журнали — диёримиз хотин-қизлари учун айнан шундай минбар бўлди.

Уша ниҳоят оғир даврда хонадонларга далил кириб борган, хотин-қизларини ҳақиқий йилги йўлга бошлаган, озоликка чорлаган журнал саҳифаларига тикилиб туриб, унинг ташкилотчилари олдида бош асган киши.

Журналининг ҳар бир сониди ўша вақт тақозо этган шорларни уратасиз: «Хотин-қизларини фақатгина меҳнат овоз қила олур».

«Кизим, онанг китоб ўқисин билмаса, сен ўқиб бергин!»

«Она! Боланг ўзиндан яхшироқ турмуш кўришини истасанг, уни ўқитишга бергин!»

«Йилги йўл» коммунистик партиянинг қарор ва таъбирларини, Лениннинг нурли кўрсатмаларини амалга оширишда жонбозлик қилган учун обрўси ошиб борди. Атрофда муҳбир, вақил аёлларини тўлаб, улар қаламни қайраб етуқ журналистлар етиштириди. Булар Собирхон Холдорова, Тожиҳон Шоди-

ева (журналининг тўғич муҳаррири), Хосиятхон Тиллахонова, Ойдин, Саодат Шамсиева, Ҳамида Аҳмаджонова, Маҳбуба Раҳим қизи, Фотима Ниёзова ва бошқалар эди.

Тарихда «хужум» деб ном олган оловли йилларда, паранжига, жаҳолат-разолатга хужум бошлаган йиллари «Йилги йўл» жанговар штабга айланди: «Меҳнаткаш хотин-қизларини фирқага, комсомолга, касаба ташкилотларига тортиш, уларнинг ҳаётидан ёритиб бориш, албатта илгари қараб кетишликдан далолат беради. Кўн вазифаларининг ичида энг зарбаликларидан бири, йилги турмуш учун курашдир. Бекитилган кўзлар билан маданиятга бориш албатта мумкин эмасдир. Сизга бугунги, кўн, ҳава ва оғиллик, кишилар ўрасидан жаслаб-дош бўлишга тўқиллик қилуврун нарса-лар сенинг фаол ишчи бўлишига қийинчилик туздирадир. Одамларнинг кўзларидан ва сўзларидан паранжанинг тағиди ва ичкарида жуда кўп яқин ишчи кўзлар ва ақллари яшириниб ёта-дур».

Журнал давр талаби билан ўз номини ўзгартириб турди. Дастлаб «Йилги йўл», 1936—37 йилларда «Ёрқин турмуш», 1938—41 йилларда «Ёрқин ҳаёт», 1950—66 йилларда «Ўзбекистон хотин-қизлари», 1966 йил май ойидан бошлаб «Саодат» деб аталди.

«Саодат» ибратли йўлни босиб ўтди. Унинг коллективиди айдилди етуқ журналистлар, ёзувчи ва расмолар меҳнат қилмоқда. Дастлаб 2—3 кишигина журнал чиқарган даврлар ҳақидаги ҳикоялар энди бироз афсонага ҳам ўхшаб кетади. Журналининг энди ўз мак-кеи, ўз обрўси, ўз шухрати бор. Бу йиллар ичида тиражи 1000—2000 дан салкам етти юз минг нускага етди.

«Саодат» партиянинг жанговар журнали сифатида ҳамisha қайқоқ ҳаёт ичида. Партиянинг XXV съезди қарорларини бажаришга хотин-қизларини сафарбар қилишда хизмат қилапти.

«Саодат»нинг бугунги саҳифалари социалистик мусобақа тўлиқини ҳақида, республикамизнинг илгор хотин-қизларини ҳақида, етуқ олимлари, пахтакорлар ҳақида ҳикоя қилади. У ҳамisha эзу иш-ларга бош бўлади. Дастлаб «Саодат»да босилган, кейин Иттифоққа танилган Турсуной Охунова, Саодат Гулаҳмедова, Зулайхо Норқулова, Турдиқон Саторова, Буолма Жўраева, Лидия Казанцева, Дилбар Қўлматова ва кўп шавкатли опа-сингилларимизни эслаш фикримизга далилдир.

Журналимиз ҳамisha ўз ўқувчилари билан бамасалаҳат иш тутайди, яқин дўст сифатида ўз вақтида қўмакка келади, айни вақтда журналчилар талабини ўрганади. «Саодат» почтаси ҳамisha хатларга тўлиқ. Бу хатлар аввало журнал саҳифасида берилган материалларнинг ўқувчи қалбига етиб бораётганини, унда журналга нисбатан дўстона тўғу уйғотганини билдирса, иккинчидан жур-налининг оммавийлигини ҳам аниглайди.

Республикамизнинг ҳар бир областида «Саодат»нинг муҳбирлар пости мав-жуд. Жуда кўп журналчилар билан у-рашувлар шу муҳбирлар пости ёрдамида уюштирилади ва улар бизда ҳамisha бой таассурот қолдиради.

«Саодат» ўзининг иккинчи ярим асрига ижодий кучга тўлган ҳолда, янги э-зу гиялар, аjoyиб режалар билан да-дил қадам ташлади. Унинг саҳифалари замондошларимиз ҳаётдек ёрқин ва сермазун бўлиши аниқ.

Раҳима ШОМАНСУРОВА,
«Саодат» журнали партия турму-ши бўлимининг мудури.



«Саодат» журнали ижодий коллективини ҳамisha ишлатишда. Суратда: партия турмуши бўлими мудури Раҳима Шомансурова, бош ре-дактор ўринбосари Холда Ахорова, хатлар бўлими мудури Роза Сайфиева, бош редактор Зулфия Исроилова, иллюстрация бўлими муду-ри Лайло Салимжонова ва катта адабий ходим Мамадали Маҳмудов журналининг навбатдаги сонни материалларини муҳоама қилмоқда-лар.

ЁРҚИН ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Уйимдаги телефон жи-ринглаб қолди. Трубкани кў-тардим. Номлаўм аёлининг мултан ва титроқ овози эш-тилади:

— Мени кечирасиз, бир оғиз маслаҳатингизга мух-тож эдим. Ойламда нотинч-лик. Уртоғим менга ҳиенат қилди... Севги инсоннинг энг муқаддас, энг олижаноб тўй-гуси эмасми, энди улар оёқ-ости бўлди.

У сўзлар экан, дамба-дам сукат қалбда, кўз ёшлари ар-гани сезилар ва яна узуқ-юлуқ қилиб, ўпкаси тўлган-ча сўзида давом этарди. Мен эса у билан худди телефон-да эмас, балки ёнма-ёни унинг дардида шерик бўла-ётгандай қалбим ўртанарди. Аммо барибир унга нима билан мадад ва таскин бе-ришини билмасдим.

— Сизга маслаҳатим шу: «Саодат» журнали редакция-сига мурожаат қилинг, — де-дим ниҳоят. — У ерда сизга тўғри йўл кўрсатувчи она-хонлар бор. Мана сизга жур-нал адреси...

Ҳаётда қувончли, бахтиёр дамлар билан бир қаторда ана шундай қўнғилсиз воқеа-лар ҳам учраб туради. Шун-дай пайтда «Саодат» нохуш воқеалар гирдобиди вақтин-ча бўлсада қалбим қолган аёлларнинг қалбига оро қи-ради. У 50 йилдан бери аёл-ларимиз эркини ҳимоя қи-либ келаяпти. Оналар ва ора-сингилларга руҳ, мадад, куч-қувват бахш этапти.

Журнал бугунги кунимиз-нинг порлоқ кўзгуси. Унинг саҳифалари орқали биз рес-публикамизнинг донгдор аёллари билан турунлаша-миз, улар ҳаётини жасора-тини, меҳнатга муҳаббатини, севгига садоқатини, оналарча меҳрибонлигини юрагимиз бил-лан ҳис этиб, ўзининг ана шундай олижаноб фазилат-лар ҳазинасига шайлаймиз.

«Саодат»ни аёллар дунё-сининг кўзгуси, досам, ян-лишмайман. У бугунги эр-кин, бахтиёр, ҳамма киши дўндириб адо этаётган хо-

тин-қизларимизнинг ёсоюн, нурафшон дунёси.

«Саодат» — меҳрибон қўллай ёшлар мангалини сиплаб, унинг ўстирадиган мак-таб ҳамдир. Унинг қаноти остида неча-неча қалам со-ҳиблари ижод даргоҳига парвоз этган. Бундан йиги-рма икки йил илгари меннинг ҳам илк маший шешрим шу журнал саҳифасида босил-ган эди. Ушандан буён ёзил-ган қанчадан-қанча шеш-ларимни ўқувчи қалбига ет-казишда «Саодат» катта хизмат қилди. Бунинг учун журнал ходимларига, айниқ-са устозим Зулфия онам-ларга чекис миннатдорчи-лигини билдираман.

Мен «Саодат»нинг ярим асрлик саодатли йўли билан кутлаб, унинг бундан кейин-ги ижодий ишларида янада ривож истаб қоламан.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон Ленин ком-сомоли мукофоти лау-реати.

ҚАЛБ ҚУТЛОВИ

«Саодат» журналининг 50 йиллиги муносабати билан Совет хотин-қизлари Коми-тети номидан энг эзу тил-лақларимизни, қизгин табри-гимизни қабул қилинг.

Азиз дўстлар, сизларга катта ижодий муваффақият-лар тилайман. Журнал бун-дан буён ҳам Ўзбекистон хотин-қизларининг бутун куч-қайрати, шижоатини мамлакатимизда коммунизм куришдек буюқ вазифани

бажаришга сафарбар этади. Республика хотин-қизларини коммунизм ёллари ҳамда пролетар интернационализи руҳида тарбиялаш йўлида хизмат қилади, деб ишона-ман.

Саммий, дўстона салом билан

Валентина НИКОЛАЕВА-ТЕРЕШКОВА,
Совет хотин-қизлари Комитети раиси.

СЎНМАС ҲАРОРАТ

Атоқли шоирамиз Зулфия «Ҳарорат, ҳарорат» деб шеш ўқиса, мен негиздир муаллифининг ўзини ва «Саодат»ни ўйлайман.

Шеш ижтимоий маъно-дан, мантқанан сўзлайди-ю, мен барибир бош муҳарри-римиз Зулфия опа ва «Саодат» журналини тасаввур этавераман. Назаримда, улар бир-бирларига битмас-туган-мас Ҳарорат бахш этадилар, бир-бирларини нафбат сир-ларидан воқиф этадилар.

Бундан тўғриси йил муқад-дам журналда ишлаб бошла-ган биринчи кунимдан оқ ўша ҳароратини аниқ ҳис этган эдим. Ҳар кунини шу ҳарорат ҳақида ёзим келарди. Мана бугун мавриди келди.

Бир журналга деярли чо-рак аср редакторлик қилиш ҳазил гап эмас. Бунинг учун аввало журнал ишига меҳр-муҳаббат керак. Зулфия опа шешриятини қанчалик сева-лар, журналини ҳам шунча-лик ардоқлайдилар. Ҳар ик-каловига меҳрларини бабба-равар ҳаля этадилар.

Шоира тоғини янги шеш-билан кутиб олиб, редакция-га бироз ҳорғин, лекин да-дил, шовқин қадамлар би-лан кириб келади. Келадия-ю, бир неча дақиқа ўтмай унинг чеҳраси яншаб, ҳор-гинликлари ёзилиб, журнал

ишига киришиб кетади. На-заримда «Саодат» унга янги, тинич ва қайқоқ ҳарорат ба-йишлайди.

У хоналарга бир-бир ки-риб, худди ғамхўр онадай ёки сирдош дўстонадай ҳо-л-ахвол сўрашиб, бизларни ли-ғи ишларга руҳлантириб чи-қади. Шу дайда у ҳар бири-мизга қалб ҳароратини улашгайди бўлади. Юра-гимиз таъридан яншаб, тоғи-ларини талқон қиладди юбор-гудек ғамизини қудратли ҳис этамиз.

Ҳарорат... Ўх-ҳе, респу-бликамиздаги қай бир шоира-нинг бизга ҳарорат улаш-маган лиғини муҳаррир, Қизлар илк машларини, илк орузларини нафтаида авайлаб журнал редакция-сига, Зулфия опа қошига олиб келадилар. Бош муҳаррир налбидан шу дайда қанча-лар улдувор ҳарорат олган-ликларини уларнинг ўзлари ахши билдилар. Ана шу ҳа-рорат тўғриси қизлар илхо-ми қанот қоқди. «Саодат» уларга оқ йўл тилайди.

Бағишлаган ҳароратини, меҳрини, саховатини ва меҳнатини учун барча қа-дамкаш шоғирлардан, бар-ча журналчилардан сизга ташаккур, азиз-мураббий!

Саъдат МАҲМУДОВА.

БАТАН

Ариқлардан сув оқар
Қўшиқда минг турли оҳанг.
Куйланмаган қўшиқ кўрнар
Кирғоғида худди ялғизранг.
Мовий рангу шўх куйинг
Билан

Бўстонан Ватан,
Уа ғамини ейдн қалдирғоч
Хас-чўплари шифдн
Олар жой.
Севинчлари қора ўрим соч,
Армонлари тортилмаган би.
Қўшинг бахти қулган шу
Кундан

Осмонан Ватан,
Даштлар узра бугдой етилиб,

Тандирларини тўлдирганда
Ион,
Жимликларининг ғамини
Ситилиб,
Кенг бағирлар қуладди омон.
Бошқаларда бахтдай
Етилган

Хирмонсан Ватан,
Гўзал ҳаёт ширин ардоғи
Елиса узра ташлайди назар.
Чанокларден орзу бўлоғи,
Кўйш бўлиб тоғларни
Безар.

Чанокларда тоғи нури
Тошган,
Карвонсан Ватан!
Ойдин ШУКУРОВА,
Журиналхон.



МИЛЛИОНЛАР МУРАББИЙСИ

Sevimli журналимизнинг ярим асрлик тўғи аjoyиб қўнғилларда, барча совет ки-шиларни жонжон партия-мизнинг XXV съезди қарор-ларини эзу кўтарини руҳ билан авалга оширишга ки-ришган баҳор айёмида ўта-япти.

Журналининг ҳар бир со-ни биз учун бир мактабдир.

Илгор ишчилар, пахтакор-лар, чорводорлар иш тажри-басини, кишилоқларда туғи-лаётган янгиликларни пропа-ганда қилишда журналининг роли бекисдир.

Бугунги совет кишилоғи шаҳарлардан фарқ қилмай-ди. Обод посёлкалар, меҳ-натда бахт тоған оналар, янгича анъаналар ҳақидаги

материалларга журнал саҳи-фаларидан яна ҳам кенгроқ ўрин берилишини истардим. Бахт ва бойлик манбаи бўл-ган овоз меҳнатини бор овоз билан улуглайлик.

Саодат ГУЛАҲМЕДОВА,
Бўча районидagi Ҳамза номидаги кўчоз бригада бошлиғи. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«Саодат» журнали Ўзе-бистон хотин-қизларининг

фаровон ҳаётини тараннум қилувчи матбуот органи си-фатида ташкил этилганлиги ҳаммага аён.

Ушандан бери журнал са-ҳифаларидан қанчадан-қанча аёлларимизга миғбар бери-лади, дейсиз. Ҳозир журнал ҳар бир онанинг яқин мас-лаҳатдоши, қадрон дўсти бўлиб қолган. Ўлкамизда унинг миллионлаб ўқувчи-лари, минг-минглаб қўмақдо-шлари бор.

Журнал саҳифаларидан ўрни олаётган илм-фан ва турмуш маданиятига онд

очерк, ҳикоя, лаҳзалар биз-нинг эътиборимизни ўзига тортмоқда. Редакция ҳузу-рида ташкил этилган маданият университети томонидан та-йёрланаётган тематик мақо-лалар таъсирли ва самара-лидир.

Журнал редакцияси хо-димлари бундан буён ҳам янги-фан тараққиётига оли-маларимиз қўлаётган муво-сиб ҳиссани ёритишга, со-вет турмуш тарзини тула-қоли ифодалашга кўпроқ эътибор берадилар, деган ниятдамыз. Республикамыз

маърифат ўчоқларида фидо-корона ишлаб келаётган ку-тубхоначи аёллар, маданият оқартув муассасалари хо-димларининг кундалик фао-лиятлари ҳам қаламга олин-са, айни мундоа бўларди. Чунки, оммани коммунистик руҳда тарбиялашда биз кў-проқ шу муассасаларга тая-ниб иш қўламиз.

Осиё ҚОСИМОВА,
Тошкент Давлат маза-ният институтининг на-федра мудури, доцент.

